



Мавзу: ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ
ШЕРИКЧИЛИГИ НАЗАРИЯСИ ВА ЖАҲОН
АМАЛИЁТИ

Маърузачи: доцент Ғ.Д.Дусмуратов

Режа.

**3.1. Давлат-хусусий шерикчилиги
лойиҳаларини амалга оширишнинг хориж
тажрибаси**

**3.2. АҚШда, Европа иттифоқи ва МДХ
мамлакатларида давлат-хусусий шерикчилиги**

**3.3. Ривожлантириш учун ДХШ механизмидан
фойдаланиладиган устивор тармоқлар**

**3.4 Хорижий мамлакатларда ДХШ-
лойиҳаларини молиялаштириш**



1. Давлат-хусусий шерикчилиги лойиҳаларини амалга оширишнинг хориж тажрибаси

- ☞ Давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) идеологияси ҳозирги вақтда жаҳонда етарлича кенг тарқалган. Британия молия хизматлари экспортини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи Лондон халқаро молия хизмати ҳисоботи маълумотларига қараганда ДХШ лойиҳалари дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатларида ишлаб чиқилади



*Давлат-хусусий
шерикчилиги*

жуда кенг спектрдаги бизнес-моделларни ва муносабатларни аташ қабул қилинган. Энг умумий маънода ушбу термин ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун бизнеснинг ресурсларидан ҳар қандай фойдаланишда қўлланилади. Бунда хусусий сектордан жалб этилган ресурслар турли хил – капитал, ноу-хоу, менежерлар тажрибаси ҳам бўлиши мумкин


Standard&Poor's рейтинг агентлиги ДХШни давлат ва хусусий сектор ўртасидаги риск ва даромадларни тақсимлашга, профессионал билимларни бирлаштириш ва биргаликда молиялаштиришга асосланган ва аниқ сиёсий натижаларга эришишга хизмат қиладиган ҳар қандай ўрта ёки узок муддатли ўзаро муносабатлар сифатида аниқлайди

Шерикчиликнинг концессия шакллариининг юридик ва иқтисодий амалиёти ўрта асрлардаёқ шаклланган. Францияда биринчи концессион лойиҳа XVI аср ўрталаридаёқ амалга оширилган. Буюк британия концессион қонунчилиқ XVII асрда пайдо бўлган. АҚШда биринчи концессиялар уч юз йил илгари берилган. Францияда ижтимоий хизмат соҳасида (уй-жой коммунал хўжалиги, йўл қурилиши ва уни эксплуатация қилиш, энергетика ва ш.ў.) концессиялар тўғрисидаги қонун Наполеон давридан мавжуд

☞ 1990-йилларда бошланган давлат ва бизнеснинг шу каби механизмига қизиқиш тўғриси шу билан тушунтириладики, хизматларга, биринчи навбатда давлат жавобгар бўлган, яъни соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хизматлар, транспорт ва ш.ў. хизматларга ҳар томонлама эҳтиёж ошган. Замонавий дунё истъеъмол йўлидан бормоқда, шунинг учун ҳукумат қуйидаги дилеммага дуч келган: кўпчилик мамлакатлар учун сурункали ҳолат – *давлат бюджети дефицитини камайтириш зарурлиги шароитида фуқароларнинг ўсиб бораётган кутишини қандай қондириш керак.* Бу муаммо иқтисодий ўсиш секинлашуви ва солиқ тушумлари қисқариши даврида алоҳида кескинлашади. Мазкур дилеммани ҳал этишнинг синалган варианты мавжуд – бюджетнинг харажат қисмини камайтириш ҳисобига дефицит қисқартирилади. Ўз ўзидан маълумки, демократия шароитида бундай вариантдан муносабатларнинг барча иштирокчилари учун манфаат кам. Шунинг учун давлат-хусусий шерикчилиги ғояси аниқ истиқболларни очиб беради. Охириги иккита ўн йилликда ДХШ доирасида хорижда минглаб лойиҳалар амалга оширилди

Замонавий дунёда давлат ва хусусий бизнес муносабатлари соҳасида иккитага принципиал ҳар хил методика бўйича ҳам, институционал схемасида юз бераётган туб ўзгаришлар бўйича ҳам ажратилади.

- **Биринчиси** мавжуд институционал муҳитнинг ўзгартирилган мақсадларга, устивор йўналишларга ва давлатнинг иқтисодий фаолияти шароитларига структуравий мослашишни ўзида акс эттиради. Амалдаги институтларда давлат ва хусусий бизнес шерикчилиги янги принциплари, норма ва қоидаларининг ишлаб чиқилиши ва вужудга келиши ёхуд давлатни тартибга солишнинг эълон қилинган янги иқтисодий сиёсати (Буюк Британия, Янги Зеландия, Аргентина, Лотин Америкаси бошқа мамлакатлари) контекстида юз беради.
- **Иккинчиси** бозор иқтисодиётига мос институтларнинг “нолдан” бошлаб шаклланиши билан ва давлатнинг хўжалик ҳаётидаги янги ўрнига боғлиқ. Бу схема собиқ социалистик мамлакатларда, МДҲ ва Болтиқбўйи давлатларида, айрим ривожланаётган мамлакатларда амалга оширилади.



2.2. АҚШда, Европа иттифоқи ва МДХ мамалакатларида давлат-хусусий шерикчилиги

Хорижий иқтисодий адабиётларда давлат-хусусий шерикчилиги деганда бизнес-моделлар ва муносабатлар кенг спектрини тушуниш қабул қилинган. Энг умумий маънода ушбу термин ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун хусусий сектор ресурсларидан ҳар қандай фойдаланишда қўлланилади [2]. Давлат-хусусий шерикчилиги дунё амалиётида икки маънода тушунилади

Хорижий давлатларда давлат-хусусий шерикчилиги тарифига ёндошувлар


Биринчи ёндошув	Иккинчи ёндошув
Миллий, халқаро, минтақавий, шаҳар, маҳаллий иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш инструменти сифатида кенг фойдаланиладиган давлат ва бизнес муносабатлари тизими	Давлат органлари ва хусусий компаниялар томонидан давлат ва маҳаллий мулк объектларида биргаликда амалга ошираладиган конкрет лойиҳалар

Хорижий мамлакатлар хусусиятларини ҳисобга олиб давлат-хусусий шерикчилиги тарифи

Мамлакат/ ташкилот	Давлат-хусусий шерикчилиги тарифи
Жаҳон банки	ДХШ – бу ишлаб чиқариш ва инфраструктуравий хизматлар кўрсатиш муносабати билан оммавий ва хусусий томонлар ўртасида қўшимча инвестициялар жалб қилиш мақсадида ва энг муҳими бюджетдан молиялаштириш самарадорлигини ошириш воситаси сифатида тузиладиган битимдир
АҚШ	ДХШ – давлат ва хусусий компания ўртасидаги хусусий компанияга келишилган шаклда давлат мулкида иштирок этиш ва анъанавий равишда халқ ҳокимияти маъсулияти соҳасида бўлган функцияларни бажариш имконини берадиган шартнома шаклидаги келишув
ЕИ мамлакатлари	Умумий тарзда ДХШ деганда инфраструктурани молиялаштириш, қуриш, модернизациялаш, бошқариш, эксплуатация қилиш ёки хизматлар кўрсатиш мақсадига хизмат қиладиган халқ ҳокимияти ва бизнес ўртасидаги кооперация шакли тушунилади
Буюк Британия	ДХШ – замонавий, юқори сифатли коммунал хизмат кўрсатишни таъминлаш ва мамлакат рақобатбардошлигини ошириш бўйича ҳукумат стратегиясининг ҳал қилувчи элементиدير. Давлат-хусусий шерикчилиги кенг диапазондаги бизнес-структураларга ва шерикчилик шаклларига эга: «хусусий молиявий ташаббус» дан то қўшма корхоналарга тегишли акция қисмини сотишгача»
Ирландия	ДХШ – давлат ва хусусий секторнинг конкрет лойиҳани ёки аҳолига ижтимоий характердаги тақдим этиш мажбурияти давлат секторига юклатилган хизмат кўрсатишни амалга ошириш мақсадидаги ҳамкорлиги


Умумий кўринишда хусусий ва давлат сектори ўзаро ҳаракати шакли 2 та асосий гуруҳга ажратилади:

корпоратив



- ☞ давлат ва хусусий шерик томонидан қўшма корхона (юридик шахс ёки қўшма корхона) ташкил этишни ўзида акс эттиради. Ушбу шакл қўшма компания яратиш шаклида, ёки давлат ва хусусий шерикларни мавжуд компанияга бирлаштириш билан амалга оширилади.

шартномавий



- ☞ концессия, ижара, хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар, сервис ва операторлик битимлари ва бошқалар.



Хорижий мамлакатларда ДХШнинг шартнома шаклида амалга ошириладиган асосий шакллари

«Лойиҳалаштириш/қурилиш» (Design Build – DB) – лойиҳа ишлари ва қурилиш учун қатъий суммада мукофот белгиланган иккиёқлама шартнома

«Лойиҳалаштириш/қурилиш /молиялаштириш/бошқариш» (Design Build Finance Operate – DBFO) – лойиҳалаштириш, қурилиш, фойдаланиш ва молиялаштириш бўйича комплекс ишлар хусусий секторга (концессионер) тўлиқ ўтказилишини англатади, бунда давлат мулкдор бўлиб қолаверади

«Лойиҳалаштириш/қурилиш /молиялаштириш» (Design- Build Finance – DBF), яъни оператор функциясини давлат ўзига олади

«Қурилиш/ўтказиш/бошқариш» (Build-Transfer-Operate – BTO) – контрактнинг ушбу тури хусусий шерик давлат органи билан келишилган режа бўйича объект қурилишини амалга оширишини назарда тутаяди, кейин эса объектни контракт тузилган давлат бошқарув органига ўтказаяди

- ☞ **Буюк Британияда**, аксинча давлат-хусусий шерикчилиги ҳар сафар миллий масштабдаги лойиҳаларни амалга оширишда шиддатли дебатлар предмети бўлади. Масалан: Евро-тоннелни, Лондон метрополитенини, янги темир йўлларни қуриш .
- ☞ Умуман, Буюк Британия 1981 йилдан – Лондон доқларини қайта қуриш муносабати билан детартибга солинган ва бозорга йўналтирилган режалаштириш сиёсати асосида 1992 йилда юқори сифатли энг самарали ижтимоий хизматларни ривожлантириш мақсадида “Хусусий молиявий ташаббус”га (PFI) асос солинган, унинг моҳияти йирик давлат объектларини қуриш учун хусусий инвестицияларни жалб этиш бўлган, бунда хусусий бизнес аслида ўзи уларнинг қурилишини хусусий маблағлари ҳисобидан амалга оширади .

Францияда ҳам давлат-хусусий шерикчилиги “аралаш иқтисодиёт бирлашмаси” (SEM) ва концессия тақдим этиш фаолиятини ўз ичига оладиган катта анъаналарига эга. Франция ДХШ-лойиҳаларининг ЕИ мамлакатлари орасидаги умумий улуши уларнинг қиймати бўйича 5,4 % ва 5,3 % ташкил этади. Кўпчилик лойиҳалар тиббиёт ва таълим муассасалари, оммавий томоша тадбирлари учун спорт иншоотлари қуриш ва реконструкция қилиш соҳаларида амалга оширилади.

Германияда ДХШ ғояси кооператив қурилиш лойиҳаларида жуда эрта қабул қилинган. Биринчи тижорат қурилиш жамиятлари хусусий ташаббус асосида XIX аср ўрталарида яратилган эди. Нотижорат компаниялари ва давлат сектори ўртасида ҳамкорлик контекстида бундай компаниялар ўз хусусий бизнесига ва фойда олиш сиёсатига айрим чекламалар қўйишга мажбур. Бунинг эвазига давлат уларга солиқ имтиёзларини тақдим этади.

☞ Охирги 10 йилда транспорт инфраструктураси соҳасида (тоннелларни, йўл участкаларини ва ҳакозоларни қуриш, модернизациялаш ва эксплуатация қилиш) 150 дан ортиқ ДХШ-лойиҳалари амалга оширилди ва амалаг оширилаб бошланди. Ижтимоий биноларни қуриш билан боғлиқ лойиҳалар бўйича инвестиция умумий ҳажми 4,1 млрд евродан ортиқни, инфраструктура қурилиши билан боғлиқ лойиҳалар эса – 1,9 млрд еврога ташкил этди.

3.3. Ривожлантириш учун ДХШ механизмидан фойдаланиладиган устивор тармоқлар

☞ Умуман хорижда давлат-хусусий шерикчилигини кўллаш соҳалари етарлича хилма хил ва турли хил тармоқларда амалга оширилиши мумкин:



транспорт – турли хил транспорт тармоқларида, шаҳар транспортини ҳам ўз ичига олиб, ҳаракатни бошқариш тизимини қуриш, хизмат кўрсатиш, жорий этиш ва кўплаб бошқа лойиҳалар;

уй-жой-коммунал хўжалиги – аҳолига хизмат кўрсатиш; коммунал тармоқларни эксплуатация қилиш (водопровод, канализация); кўчаларни тозалаш, ахлат ташиб кетиш ва утилизация қилиш;



Шунингдек


- ☞ ЭКОЛОГИЯ – табиий ресурсларни эксплуатация қилиш ва экологик туризмни ташкил этишдан даромад олиш ҳуқуқи билан шаҳар ва шаҳар ташқарисида боғларни яратиш, хизмат кўрсатиш ва ривожлантириш;
- ☞ Кўчмас мулк – тижорат лойиҳаларида иштирок этиш ва иморат қуриш ҳуқуқи эвазига ижтимоий биноларни ва муниципал уй жойларни қуриш ва уларни эксплуатация қилиш;
- ☞ жамоат тартиби ва хавфсизлик – хусусий компаниялар хизмат кўрсатадиган транспортда ва жамоат жойларида тартибни таъминлаш; тўхташ жойларини ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш;
- ☞ телекоммуникация -инфраструктурасини яратиш ва истеъмолчиларга хизмат тақдим этиш;
- ☞ молия сектори – мажбурий ижтимоий суғурта ва давлат пенсия таъминоти соҳасига бошқарув компанияларини жалб қилиш;
- ☞ таълим – иморат қуриш ва туташ ҳудудларни ривожлантириш ҳуқуқини олган хусусий компаниялар томонидан мактаб ва бошқа муассасаларни қуриш ва жиҳозлаш.




4. Хорижий мамлакатларда ДХШ-лойиҳаларини молиялаштириш

☞ Хорижий мамлакатларда ДХШ-лойиҳаларини амалга оширишнинг тақдим қилинган тажрибаси мазкур механизмнинг турли хил тармоқларни ривожлантиришда юқори аҳамияти тўғрисида гапириб турибди. Аммо, ўз салоҳиятига қарамасдан мазкур лойиҳаларни амалга оширишда кўплаб тўсқинлик қилаётган омиллар мавжуд:

- **конъюнктура**
- **лойиҳанинг ташқи муҳити**
- **давлатнинг қатнашувчанлиги**
- **давлат томонидан назорат**
- **қўллаб-қувватлаш**
- **структуралаш ва ҳ.к.**



Дунё амалиётида етарлича миқдорда молиявий механизмлар мавжуд, улар ҳисобига давлат-хусусий шерикчилиги амалга оширилади. улардан энг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:



- ҳар хил даражадаги бюджет маблағлари;
- давлат корхоналари ва муассасалари маблағлари;
- мамлакат иқтисодиёти хусусий сектори маблағлари;
- жамоат ва нотижорат структуралар маблағлари;
- молия-кредит муассасалари кредит ресурслари;
- қўшма корхоналар қимматли қоғозлари эмиссияси; хорижий давлат ва хусусий инвесторлар маблағлари;
- ☞ жисмоний шахслар маблағлари ва бошқа манбалар (масалан, халқаро молия ташкилотлари)





Эьтиборингиз
учун рахмат!